

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ ФАКУЛЬТЕТИ  
ЖАНУБИЙ ОСИЁ ТИЛЛАРИ КАФЕДРАСИ КАТТА ЎҚИТУВЧИСИ**

*С.НУРМАТОВ*

**М А Қ О Л А**

**Мавзу: ҲИНДИЙ ТИЛИДАГИ СОН СЎЗ ТУРКУМИГА ХОС  
МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАР  
(ҲИНД ТИЛШУНОС ОЛИМЛАРИНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ  
ҚАРАШЛАРИ АСОСИДА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ)**

**Аннотация** - Ушбу мақолани ёзишда кўплаб ҳинд тилшунос олимларининг ҳиндий тилидаги сон сўз туркумига оид илмий-назарий қарашлари атрофлича ўрганилади ва сон сўз туркумининг ўзига хосликлари мисоллар талқинида очиқ берилади.

Ушбу мақолани ёзишда кўплаб ҳинд тилшунос олимларининг ҳиндий тилидаги сон сўз туркумига оид илмий-назарий қарашлари атрофлича ўрганилди ва сон сўз туркумининг ўзига хосликлари мисоллар талқинида очиқ берилди. Жумладан, рус ҳинд тилшунос олими З.М.Дымщицнинг «Грамматика языка хинди»<sup>1</sup> асарида ҳиндий тилида соннинг санок, тартиб, каср, кўпайтирув турлари мавжудлиги санаб ўтилган. Буларни бошқа олимлар ҳам, жумладан, А.П.Баранников<sup>2</sup>, Т.Е.Катениналар<sup>3</sup> таъкидлашган. Аммо тилшунослар Г.А.Зограф<sup>4</sup> ҳамда В.П.Липеровскийлар<sup>5</sup> мазкур фикрлардан фарқли маълумотларни берган. Чунончи, Г.А.Зограф ўз асарида сонларни алоҳида сўз туркуми деб тан олмасдан, уларни сифат сўз туркумига хос грамматик гуруҳ, деб уқтиради: «ЯҚОТда мавжуд бўлган сонлар саналувчи шахс, предмет ёки ҳодисаларнинг аниқ миқдорига ёки уларнинг кетма-кетлик тартибига ишора қилувчи грамматик гуруҳдир»<sup>6</sup>. Демак, олимнинг талқинича, сонлар семантик жиҳатдан бирлашган ҳолдаги аниқловчи сўзларининг «ярим ёпик» гуруҳидан иборатдир, яъни бу табиий рақам номларининг рўйхати демакдир.

Сонларнинг бутун тизими ўша бирликлар рўйхати ва уларнинг бирикиш қоидаларига амал қилиши орқали ифодаланиши мумкин. «Шундай қоидалар туфайли ҳар бир ЯҚОТнинг сон тизимига хос бўлган типологик махсус белгилар кўринади»<sup>7</sup>. Табиий рақамлар номларидан ташкил топган санок сонларнинг тизими, мазкур гуруҳнинг бошқа турларини яшаш учун асос бўлиб келади. Жумладан, тартиб, жамловчи, кўпайтирув сонлари айнан санок сонлардан ясалади. Буларнинг орасида фақатгина тартиб сонлар, ўзининг ясалиш ва қўлланилиши жиҳатдан амалда чекланмайди. Бошқа гуруҳлар эса бирликлар ва баъзан ўнликлар номларидан келиб чиқан оз миқдордаги сонлардан иборат. Каср сонлари ҳам табиий рақамларнинг номларидан ясалган.

Шу боис Г.А.Зограф ясама сонларни кўпчилик ҳолларда кам ишлатилишини назарда тутиб, уларни белгиланган ясалиш қоидаларига мос равишда эмас, балки асосан супплетив негизлардан ясалганлигини таъкидлаб ўтган<sup>8</sup>. Қолаверса, барча сонларнинг турли-туман сўз ўзгариш гуруҳларига мансуб эканлигини назарда тутган ҳолда, бу гуруҳларни биз санок сонларнинг

---

<sup>1</sup> Дымщиц З.М. Грамматика языка хинди. Т I. -М.: Наука, 1986. –С.86-95.

<sup>2</sup> Баранников А.П. Краткий грамматической очерк хинди. Прил. К «Хинди-русский словарь». -М.: Изд-во лит-ры на иностр. яз., 1959. -С.1133-1137.

<sup>3</sup> Катенина Т.Е. Очерк грамматики языка хинди. Прил. к «Русско - хинди словарю». - М.: Изд-во лит-ры на иностр. яз., 1957. -С.1308-1310.

<sup>4</sup> Зограф Г.А. Морфологический строй новых индоарийских языков (опыт структурно-типол.анализа). -М.: Наука, 1976.

<sup>5</sup> Липеровский В.П. Именные части речи языка хинди. -М.: Наука, 1978. –С. 76-85.

<sup>6</sup> Зограф Г.А. Морфологический строй новых индоарийских языков (опыт структурно-типол.анализа). -М.: Наука, 1976. –С.79.

<sup>7</sup> Ўша асар. –Б. 86.

<sup>8</sup> Ўша асар. –Б. 78.

сўз ўзгарувчи шакллари эмас, балки, улардан алоҳида турган деривацион (ясама) кичик синфлар деб тушунамиз.

«Синтактик бирикиш жиҳатидан санок сонлар ЯҲОТда сифатлар билан бир қаторда туради ва отларга нисбатан препозицияда бўлиб, уларга нисбатан миқдор аниқловчи вазифасида келади»<sup>9</sup>. Ваҳоланки, сонлардаги баъзан кузатиладиган постпозиция ҳолатларини кучайтирувчи инверсия деб тушунилади. Ҳинд грамматикаларида, жумладан, К.Гуру ва Абдулҳақ грамматикаларида сонларни одатда «миқдорий сифатлар» нинг кичик синфи деб тушуниланган<sup>10</sup>.

Сон туркуми ҳақида В.П.Липеровский бошқа олимлардан фарқли равишда куйидагиларни келтиради: сон миқдор тушунчасидаги сўзларнинг семантик «инвариант»и (ўзгармас) сифатида тан олиниши мумкин. Аммо сонлар уларнинг маъноларини ҳамда валентлик (бирикувчанлик) хусусиятларининг бирлиги сифатида ўз ифодасини топа оладиган махсус грамматик хусусиятга эга эмас. Айнан шунинг учун уларга хос маъно, атрофдаги воқеликни миқдорий жиҳатдан акс эттиришга қаратилган ҳолда, грамматик ёки умумграмматик маънога айланмасдан, балки улар лексик характерга эга бўлиб қолади.

В.П.Липеровский ҳам сонларни валентлик хусусиятларига кўра, сифатларга яқин туради, - деб таъкидлайди<sup>11</sup>. Бу нафақат тартиб сонларга (*aaThvaaN paaTh* «саккизинчи дарс», *dasviiN panktii* «ўнинчи қатор»), балки санок сонларга ҳам тегишли бўлиб, улар сифатлар сингари отлар билан бирикиб, препозиция ҳолатида келади. (*AaTh paaTh* «саккизта дарс», *das panktiyaaN* «ўнта қатор»). «Шуниси диққатга сазоворки, - дейди В.П.Липеровский - санок сонларнинг ўрнида келадиган кўрсатувчи шакллар ҳам тартиб сонлар ва сифатлар ўрнида келадиган шаклларга хос бирикувчанлик хусусиятларига эга бўлади»<sup>12</sup>. Олимнинг бу талқинига куйидаги мисолларни келтирамиз: *kitnii panktiyaaN?* «нечта қатор?», *das panktiyaaN* «ўнта қатор» ёки *kaunsii panktiyaaN?* «нечанчи қаторлар?» *dasviiN panktiyaaN* «ўнинчи қаторлар» каби мисоллар дейктик шаклларга хос. *Keesii panktiyaaN?* «қандай қаторлар?», *niilii panktiyaaN* «кўк рангдаги қаторлар» мисоллар эса субститут ўриндош шаклидир. Бироқ санок сонлар мавҳум рақамларни кўрсатиб келса-да, айна пайтда сифатларга хос белгиларни ифода этмайди. Шунинг учун сонларни сифатлар таркибидаги оддий, лекин кичик синф деб бўлмайди.

В.П.Липеровский ушбу фикрга монанд қилиб, санок сонларнинг шундай вазиятда қўлланилиши оддий арифметика қоидаларида ҳам мавжудлигини кўрсатиб ўтган. Масалан, *tiin ko do mai joRnaa* ёки *tiin maiN do jamaa karna*

---

<sup>9</sup> Зограф Г.А. Морфологический строй новых индоарийских языков (опыт структурно-типологического анализа). -М.: Наука, 1976. -С.48.

<sup>10</sup> Гуру К. Грамматика хинди. Часть I. Пер. С хинди Г.А. и Р.И.Баранниковых. Под ред. И с предисл. Проф. Б.А.Ларина. -М.: Изд-во иностранной лит-ры, 1957. -С. 142.

<sup>11</sup> Липеровский В.П. Именные части речи языка хинди. -М.: Наука, 1978. -С. 79.

<sup>12</sup> Ўша асар. -Б.83

«учга иккиннинг қўшилиши»; *do ko caar se gunaa karnaa* «икки карра тўрт» ва ҳоказо» (Липеровский 1978, 86).

Санок сонлар ҳақида З.М.Дымщиц, Т.Е.Катенина ва бошқа ҳиндшунос олимлардан фарқли ўлароқ, В.П.Липеровский уларга жуда ҳам кенг камровда ёндашган. Олимнинг изланишларида «бир»дан «юз»гача бўлган сонлар мажмуи келтирилган<sup>13</sup>. Уларда горизонтал ҳолатда битта ўнликлар ичидаги рақам, вертикал ҳолатда эса уларнинг тартиб сони кўрсатилган.

Олим З.М.Дымщиц, В.П.Липеровский ҳамда Г.А.Зографларнинг фикрларига қўшилган ҳолда сонга оид хусусиятларни изоҳлаб ўтган. З.М.Дымщиц ҳам, Т.Е.Катенина ҳам Г.А.Зограф мулоҳазасига ўхшаб сонларни сифат сўз туркуми таркибидаги грамматик гуруҳ деб тан олмасдан, уларни алоҳида сўз туркуми деб ҳисоблайдилар<sup>14</sup>. З.М.Дымщицнинг талқинича, ҳиндий тилида санок, тартиб, жамловчи, каср сонлар каби лексик-грамматик турлар мавжуд.

Санок сонлар предметларнинг саноғини билдиради, улар шахсга нисбатан ҳам қўлланилади: *das* «ўн», *biis* «йигирма», *chaar bhaaii* «тўртта ака», *chaar seb* «тўртта олма». З.М.Дымщиц ҳиндий тилидаги санок сонлар тузилиши жиҳатидан 3 гуруҳга бўлинишига алоҳида урғу берган<sup>15</sup>. Булар содда, мураккаб ва қўшма сонлардир. Қуйида биз уларга қисқача тўхталамиз:

Содда сонлар бир асосдан ташкил топади: *ek* «бир», *do* «икки», *chaar* «тўрт» ва ҳоказо. Шунингдек, яхлит ўнликлар ҳам айнан шу гуруҳга оид: *das* «ўн», *biis* «йигирма», *chaaliis* «қирқ».

Мураккаб санок сонлар икки ўзакдан ташкил топади. Буларга ҳар бир ўнликлар орасидаги санок сонлар (яхлит ўнликлардан ташқари) мисол бўла олади: *gyaarah* «ўн бир», *baarah* «ўн икки», *ikkiis* «йигирма бир», *racciis* «йигирма беш». Мураккаб санок сонларга оид «ўн тўққиз», «йигирма тўққиз», «ўттиз тўққиз», «қирқ тўққиз», «эллик тўққиз», «олтмиш тўққиз», «етмиш тўққиз» санок сонлари «*un-*» олд қўшимчаси билан қўлланилганда, «бир кам йигирма», «бир кам ўттиз» (ва ҳоказо) каби маъноларни англатади: *untiis* «йигирма тўққиз (ёки бир кам ўттиз)», *untaaliis* «ўттиз тўққиз (ёки бир кам қирқ)» ва ҳоказо.

З.М.Дымщиц бу қоидага «саксон тўққиз» ва «тўқсон тўққиз» санок сонларини истисно шаклида кўрсатган: *navaasii* «саксон тўққиз» ва *ninaanve* «тўқсон тўққиз»<sup>16</sup>.

Қўшма санок сонлар ўз навбатида икки ёки бир неча оддий ва мураккаб сонлардан ташкил топади: *ek sau ek* «бир юз бир», *do sau* «икки юз», *tiin sau do* «уч юз икки». Қўшма сонлардаги «юз»дан юқори сонларда аввал юзликларни ва мингликларни ифодаловчи сонлар туради. Сўнг предметларни аниқлаётган кичик санок сонлар келади. Баъзида мингликлар юзликлар қаторига ҳам

<sup>13</sup> Липеровский В.П. Именные части речи языка хинди. -М.: Наука, 1978. –С. 82.

<sup>14</sup> Рус тилшунос олимлари ҳиндий тилидаги сон турлари ҳақида бир хил маълумотлар келтирганликлари учун уларнинг барчасини бериб ўтишни жоиз деб топмадик. Бу ўринда З.М.Дымщицнинг фикрларига таянилган ҳолда улар бирма-бир таҳлил қилинди.

<sup>15</sup> Дымщиц З.М. Грамматика языка хинди. Т I. -М.: Наука, 1986. –С.86-95.

<sup>16</sup> Дымщиц З.М. Грамматика языка хинди. Т I. -М.: Наука, 1986. –С.87.

киритилади: *sentaaliis sau painsaTh* «уч минг етти юз олтмиш беш (3765)», яъни «ўттиз етти юзлик билан олтмиш беш» (қиёсланг: аслида *tiin hazaar saat sau painsaTh* бўлиши керак). Бундай ҳолатлар кўпроқ ой, кун, йилни ифодалаганда қўлланилади. Масалан, *unniis sau aRsaTh* «бир минг тўққиз юз етмиш саккиз (1978)», яъни ўн тўққизта юзлик билан етмиш саккиз.

Жамловчи сонлар. Жамловчи сонлар аниқ миқдордаги сонларни билдиради. Бундай сонлар «икки» санок сонидан бошлаб, ҳар қандай сонга «-oN» аффикси қўшилиши орқали ясалади: *donoN* «иккови», *tiinoN* «учови», *chaaroN* «тўртови» ва ҳоказо. Жамловчи сонлар бошқа сонлар каби гапда ўз қўшимчаларини ўзгартирмайди. У гапда мустақил равишда қўлланади. Масалан, *mere tiinoN saathii khaanaa khaane gaye hain* «менинг учала дўстим овқатлангани кетди».

Каср сонлар. Ушбу сон сонларнинг тақсимланганлигини билдиради<sup>17</sup>. Ҳиндий тилида қуйидаги каср сонлар алоҳида бир сўз билан ифодаланади: *rao* «чорак», *tihaii* «учдан бир», *aadhaa* «ярим», *DeRh* «бир ярим», *Dhaaii*, *aRhaaii* «икки ярим», *saaRhe* «ярим» ва ҳоказо.

Баъзи каср сонлар гапда жинс ва сонда ўзгаради. Улар қуйидагилардир: *aadhaa* «ярим», *raunaa* «учдан бир». Масалан, *aadhe ghanTe tak* «ярим соатгача, *raunii raat* «ярим тун»<sup>18</sup>. Ҳиндий тилидаги баъзи каср сонлар сўзлар билан ҳам ифодаланиши мумкин. «Қисм» сўзи, яъни «*bhaag*» ёки «*hissaa*» сўзлари бош келишик бирликда ёки кўпликда ифодаланиши мумкин: *saatvaaN bhaag* «еттинчи қисм», *paaNcnvaaN hissaa* «бешинчи қисм».

Тартиб сонлар. Ҳиндий тилидаги *ek* «бир», *do* «икки», *tin* «уч», *chaar* «тўрт» ва *che*: «олти» сонларидан тартиб сонлар ясалганда, улар қоидадан истисно шаклда келиб, флектив шаклга эга бўлади: *pahlaa* «биринчи», *duusraa* «иккинчи», *tiisraa* «учинчи», *chauthaa* «тўртинчи» ва *chathaa* «олтинчи».

Қолган тартиб сонларга, -*vaaN* аффикси агглютинатив йўл билан қўшилиш орқали ясалади: *paaNcvaaN* «бешинчи», *saatvaaN* «еттинчи» ва ҳоказо. Кўринадики, ўзбек ва рус тилларидан фарқли равишда, ҳиндий тилида тартиб сонларнинг истисно шаклга эга бўлган кўринишлари намоён бўлмоқда. Демак, бундай шаклларни ўзига хос ҳодиса деб эътироф этиш мумкин.

Ҳиндий тилидаги тартиб сонлар гапда аниқланаётган предмет ёки шахснинг жинсига қараб ўз қўшимчаларини ўзгартириб, бирлик ва кўплик шаклларида ҳам келиши мумкин. Масалан, *chauthaa laRkaa* «тўртинчи бола», *chauthe laRke ko* «тўртинчи болага», *saatviiN laRkii* «еттинчи қиз», *saatviiN laRkii ko* «еттинчи қизга», *paaNcvaaN din* «бешинчи кун», *paaNcveN din ke liye* «бешинчи кун учун». Демак, тартиб сонлардаги қўшимчалар жинс ва сонда ўзгариб бормоқда. Яъни аниқланаётган предмет ёки шахс музаккар кўпликда бўлса, унда -*vaaN* аффикси -*veN* га, муаннас кўпликда бўлса, -*viiN* шаклига ўзгаради. Таъкидлаш лозимки, тартиб сонлар орт кўмакчи билан келса ва

<sup>17</sup> Ўша асар. –Б.86.

<sup>18</sup> Ҳиндий тилидаги каср сонлар жинс ва сонда ўзгаради. Ўзбек тилидаги каср сонларда эса бундай хусусиятлар мавжуд эмас.

аниқланмиш музаккарда бўлса, унда тартиб сондаги кўшимчалар ўзгариши мумкин. Бироқ муаннас шаклида бўлса, ўзгармай қолади: *tiisven aadmii ko* «ўттизинчи одамга», *tiisviiN strii ko* «ўттизинчи аёлга»<sup>19</sup>.

Ҳиндий тилидаги тартиб сонларда санскрит тилидан ўзлашган тартиб сонлар ҳам кенг қўлланилади: *pratham* «биринчи», *dvitiiya* «иккинчи», *tritiiya* «учинчи», *chaturtha* «тўртинчи», *pancam* «бешинчи» ва ҳоказо (Кочергина 1978, 276).

З.М.Дымщицнинг маълумотларидан кўринадикки, ҳиндий тилида тартиб, санок, каср, жамловчи сонлардан ташқари кўпайтирув (множительный) сонлари ҳам бор. Ушбу сон турининг мавжудлигини У.Тиварий<sup>20</sup>, Д.Варма<sup>21</sup> ва К.Гурулар<sup>22</sup> ҳам тасдиқлаган. Лекин улар ушбу сонларнинг этимологиясига кўпроқ эътибор берганлар. З.М.Дымщиц улардан фарқли равишда қуйидагиларни баён қилади: «Ушбу сонлар санок сонларнинг кўпайтирилиши билан ифодаланади»<sup>23</sup>. Ҳиндий тилида кўпайтирув сонларининг икки тури мавжуд. Биринчи тури санок сонларга *-guna* («карра») суффикси қўшилиши орқали ясалади. *-Guna* суффикси *do, tin, chaar, paaNc* ва *aaTh* сонларига қўшилганда, улардаги унлилар флектив йўл билан ўзгаради: *do* «икки», *dugunaa, dogunaa* «икки карра», *tiin* «уч», *tiguna, tingunaa* «уч карра», *saar* «тўрт», *saugunaa, cargunaa* «тўрт карра».

Кўпайтирув сонларида иштирок этадиган *-guna* суффикси, аниқланаётган предмет билан жинс, сон ва келишиқда мослашмайди: *saatgunaa vistaar ke liye* «етти марта кенгайтириш учун».

Кўпайтирув сонларининг иккинчи тури санок сонларга *-hraa* суффикси флектив йўл билан қўшилишидан ясалади. Бундай ҳолатда санок сонларда фонетик ўзгаришлар рўй беради: *ek* «бир», *ikahraa, ekahraa* «бир ҳисса», *do* «икки», *duhraa, dohraa* «икки ҳисса», *tiin* «уч», *tihraa* «уч ҳисса», *saar* «тўрт», *cauhraa, cauhare* «тўрт ҳисса», *paaNc* «беш», *paNcahraa* «беш ҳисса»<sup>24</sup>.

*-Hraa* суффикси билан иштирок этган кўпайтирув сонлар гапда доим тўлдирувчи билан мослашади: *duhrii niiti* «иккиёклама сиёсат» ёки бўлмаса *is ghar me dohrii khiRkiyaaN hain* «бу уйда иккита ромли дераза бор». *We ekahrii gataar meiN jaa rahe the* «улар бир хил қаторда кетаётган эдилар»

Рус ҳиндшунос олимларидан нафақат З.М.Дымщиц, балки А.П.Баранников, Т.Е.Катенина ҳам сон туркумига оид маълумотлар келтирганлар. З.М.Дымщиц ҳар бир сон тури ҳақида батафсил маълумот берган. Уларни атрофлича тушунтирган.

Юқоридаги кузатишлардан қуйидаги хулосаларни баён қилиш мумкин: рус тилшунос олимларининг қарашларида катта тафовутлар йўқ. Фақатгина

<sup>19</sup> PanDit Raamcandr. Aadarsh Hindii shabdakosh. -Vaaraanaasii, 1971. -P. 543.

<sup>20</sup> Tivaarii U. Hindii bhaaShaa kaa udgam aur vikaas. -Prayaag, 1950. -P.110-116.

<sup>21</sup> Varmaa D. Hindii bhaaShaa kaa vikaas. -Delhi, 1962. -P. 67-72

<sup>22</sup> Гуру К. Грамматика хинди. Часть I. Пер. С хинди Г.А. и Р.И.Баранниковых. Под ред. И с предисл. Проф. Б.А.Ларина. -М.: Изд-во иностранной лит-ры, 1957. -С. 142-143.

<sup>23</sup> Дымщиц З.М. Грамматика языка хинди. Т I. -М.: Наука, 1986. -С.89.

<sup>24</sup> Meeksmuular E. BhaaShaa - vityaan. -Dillii-1999. -P. 221.

ҳинд тилшунос олимлари манбани кенг қамровли, батафсил ўрганганлар. Улар соннинг маъно турларини, айниқса, санок сонларнинг («бир»дан «юз»гача) этимологиясини аниқ ва яққол равишда мисоллар билан изоҳлашган. Уларнинг ҚҲОТ (қадимги ҳинд-орий тиллари)даги, сўнг ЎҲОТ (ўрта ҳинд-орий тиллари)даги кўринишларидан тортиб, ҳозирги ЯҲОТ (янги ҳинд-орий тиллари) давридаги шакллари кўрсатишган.

Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, У.Тиварий ва Д.Вармаларнинг баъзи фикрлари С.К.Чаттержий мулоҳазаларига мос. К.Гуру сонга умумий тавсиф бериб, уларнинг этимологиясини тадқиқ этмаган. Аммо олим бошқа ҳинд тилшунос олимларининг фикрларидан фарқли равишда, кўшма сонларни ҳам сон туркумига мансуб деб ҳисоблаган.

Рус ҳиндшунос олимларининг қарашларига келсак, З.М.Дымщиц бу мавзуга кенгроқ маълумот берган. У А.П.Баранников, Т.Е.Катенина фикрларидан фарқли равишда санок сонларни уч гуруҳга бўлган ва уларни оддий, мураккаб ва кўшма сонлар деб атаган. Ушбу рус олимлари фикрларида, мавзуга алоқадор муаммоли фикр-мулоҳазалар билдирилмаган. Мазкур тадқиқотчилар ҳиндий тилида санок, тартиб, каср, жамловчи, кўпайтирув сонлари мавжудлигини тасдиқлашган. Фақатгина У.Тиварий санок сонлардан ташкил топган кичик сон турларига ҳам алоҳида эътибор берган.

Кўринадики, рус ҳиндшунос олимларидан Г.А.Зограф ўзининг илмий-назарий қарашларида ҳиндий тилидаги сонларни сифатларга яқин деб ҳисоблаб, уларни алоҳида сон сўз туркуми қаторида эмас, балки сифат сўз туркумига оид деб ҳисоблайди. Фикримизча, Г.А.Зографнинг талқинига кўшилиш бироз қийин. Чунки сифат предметнинг белгисини, сон саноғини ва тартибини билдиради. Сонларни сифатларга қориштириб бўлмайди. Демак, ҳиндий тилидаги сонлар ҳам этимологик, ҳам морфологик жиҳатдан аналитик усулда ясалганлигини таъкидлаб ўтишимиз мумкин.